

ТОШКЕНТ

ОҚШОМЛИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 32 (10.337)

2005 ЙИЛ 16 ФЕВРАЛЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САТЛАРДА

● **ЮНУСОБОД** туманидаги 2-муסיқа мактабида **БУГУН** туман маданият бўлими, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида мухтафаккир шоирлар Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур шеърийатининг аҳамиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **ЎТГАН** кунни Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида талабалар, ўқитувчилар, адабиётшунос олимлар, Юнус Ражабий номидаги Ўзбекистон мақомчилар ансамбли хонандалари иштирокида уюштирилган адабий кеча маърифатларвар шоир ҳамда саркарда Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 522 йиллигига бағишланди.

● **«КАМОЛОТ»** ёшлар ижтимоий ҳаракати Акмал Икромов туман Кенгаши ташаббуси билан тумандаги ўқув муассасалари «Камолот» етакчилари Темурйилар тарихи Давлат музейига экскурсия қилишди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги 162-мактабда адабиётшунос олима Суйима Фаниева билан ўқувчиларнинг давра суҳбати уюштирилди. Ушбу тадбирда ўзбек адабиётининг ёшлар тарбиясида тутган ўрни хусусида сўз борди.

● **ТОШКЕНТ** туризм коллежида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон-либерал демократик партияси Юнусобод туман Кенгаши ташаббуси билан талабалар, ўқитувчилар иштирокида бўлиб ўтган тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Юртбошимиз Ислоом Каримов марбузасида белгиланган вазифаларнинг моҳиятига бағишланди.

● **ШАҲРИМИЗДА** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Осие таракқиёт банки ҳамкорликларида уюштирилган «Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ўрта муддатли стратегияси» мавзудаги конференцияда иқтисодчилар, тадбиркорлар иштирок этишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ - ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Пойтахтимизда «Хорижий сармоя жалб қилишнинг ўрта муддатли стратегияси» мавзудаги конференция бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Осие таракқиёт банки (ОТБ) ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда мамлакатимиздаги қатор давлат муассасалари, дипломатик корпус, хориж ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда Президент Ислоом Каримов раҳнамолигида тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган қўллаб-қувватлаш аналга оширилмоқда. 2000 йилда «Тадбиркорлик фаолиятини эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», 2001 йили «Қимматли қозғолар бозорига инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» қонунларнинг қабул қилиниши бу борадаги муҳим қадамлардан бўлди. Ўзбекистонда тадбиркорлар талай им-

Сифатли матолардан бежирим ва чиройли, харидор дидига мос кийим-кечаклар тайёрлаётган «Сан-жар-Дил» хусусий корхонаси чеварлари ички бозорда муносиб ўрин эгаллашга ҳаракат қилишмоқда.

СУРАТДА: тикувчи Нилуфар Гаффорова ўз маҳорати билан сифатли маҳсулот тайёрлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.



ЕХХТНИНГ АМАЛДАГИ РАИСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

15 февраль кунни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Словения ташқи ишлар вазири Д.Рупелнинг Ўзбекистонга ташрифи бошланди.

Ташрифдан мақсад мамлакатимиз раҳбарияти билан Ўзбекистон Республикаси ва ЕХХТ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболини, минтақада хавфсизликни мустаҳкамлаш масалаларини, муайян иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини муҳокама қилишдан иборат. Музокаралар давомида ЕХХТни ислох қилиш, ташкилотнинг асосий тузилма ва институтлари фаолияти самардорлигини ошириш, уларни мувозанатлаштириш муаммоларини ҳамда Ўзбекистон-Словения ҳамкорлигининг истиқболига оид масалаларни кўриб чиқиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон ЕХХТ билан ҳамкорликни янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор билан қарайди ва шу тўғрйли ЕХХТнинг амалдаги раиси, Словения ташқи ишлар вазири Д.Рупелнинг ЕХХТни аъзо мамлакатларда мавжуд шарт-шароитга мослаштиришга қаратилган сазй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон ташкилотга Словения томони раҳбарлик қилаётган даврда устувор этиб белгиланган вазифалар ижросига ўз ҳиссасини қўшишга тайёр.

Ташкилот фаолияти ва таркибининг самардорлигини оширишни, уч мезон — ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва эко-

логик, ижтимоий мезонлар ўртасида мутаносибликни таъминлаш заруратини давр тақозо этмоқда.

Ўзбекистон ташкилот қамраган маконда хавфсизликни мустаҳкамлаш ва муайян иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ҳозирги шароитда устувор йўналиш бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

Халқаро ҳамжамиятнинг диққат марказида турган Марказий Осиёнинг стратегик аҳамияти ортиб бораётган ҳозирги шароитда минтақада тинчлик ва барқарорлик масалалари бутун ЕХХТ маконида хавфсизликни таъминлаш масалалари билан узвий боғлиқ холда кўриб чиқилиши керак.

муҳитни яратиш» лойиҳаси амалга оширилиб, ўрта муддатга мўлжалланган стратегия ишлаб чиқилган эди. Унда Ўзбекистонга хорижий сармоя жалб этишнинг янги имкониятларини яратиш бўйича мамлакатимиздаги тегишли муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириш, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан амалга оширилажак вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон адлия вазирининг биринчи ўринбосари Ихтиёр Абдуллаев ва ОТБнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Шон О'Салливан юртимизга хориж сармоясини жалб этиш учун қулай муҳит яратилганлигини алоҳида таъкидлади.

Анжуманда лойиҳа стратегиясини амалга оширишни тезлаштириш ва такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Нодирбек ЎЛЖАБОВЕВ,
ЎЗА мухбири

XXI саҳоси

Барча маълумлардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда прокуратура идораларининг мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш юзасидан 2004 йилдаги фаолияти якунлари муҳокама қилинди.

● Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасида «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурининг ижросига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

● Тошкентда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази ва Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури ҳамкорлигида «Малака ва кўникмалар таҳлили бўйича қайта ишланган саволномани қўллаш» дастури асосида анжуман ўтказилди.

● Қарши шаҳрида «Давлат солиқ тизими ва оммавий ахборот воситалари» мавзуда давра суҳбати ташкил этилди.

● «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Жиззах вилоят бўлими кенгаши ташаббуси билан вилоятдаги олий ўқув юртлири талабалари, коллеж ўқувчилари иштирокида уюштирилган «Дин ва ёшлар» мавзудаги давра суҳбатиغا Тошкент Ислоом университетига талабалари ҳам таклиф этилди.

● Хива пахта тозалаш очик акциядорлик жамияти қошида «Ёшлар бокс маркази» фаолият кўрсата бошлади. Барча кулайликларга эга бўлган ушбу марказда ҳозирда 200 нафар ўсмир бокс билан фаол шугулланмоқда.

Жаҳонда

● Германияда хавфсизлик бўйича ўтказилган конференцияда сўзга чиққан БМТ Бош котиби Кофи Аннан агарда ядро қуроли тарқалиши устидан назорат чоралари кучайтирилмаса, қурра замин тез орада ушбу қуролга эга мамлакатлар сони кўпайиб боришидек муаммога тўқнаш келиши мумкинлигини таъкидлади.

● 2004 йил якунларига кўра, жамоат ва сиёсий арбобларга топширилган Германия оммавий ахборот воситаларининг махсус соврини АКШ сенатори Хиллари Клинтонга насиб этди.

● Ливан пойтахти Байрутда содир этилган кўпуровчилик ҳаракати натижасида 10 киши ҳаётдан кўз юмди. Ҳалок бўлганлар орасида Ливаннинг собик бош вазири Рафик Харирий ҳам бор.

● Афғонистон маъмурилар ўтган ҳафтада қўлга олинган Урузгон жанубий музофотидаги толиблар бошлиғи Мулла Муҳаммад Наимни ушбу мамлакатдаги АКШ контингенти вакилларига топширдилар.

● Европа Иттифоқи Франциянинг Куру космодромидан «Ариан ЕСА» номили ракетага сомага муваффақиятли учирди. Космик кема 8 тонналик ер суний йўлдошини фазога олиб чиқмоқда.

Иқтисодий

ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

«Тошкент трактор заводи» акциядорлик жамиятида бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб иш юритиш асосида ишлаб чиқариш ҳажмининг орттишига, маҳсулот турларининг кўпайишига эришилмоқда.

Ўтган йилда тракторсозларнинг самарали ишлари ҳамда савий-ҳаракатлари эвазига 40 миллиард сўмликдан ортик маҳсулот тайёрланган, бу 2003 йилдаги кўрсаткичга нисбатан анча юқоридир. Шунингдек таъкидлаш лозимки, сифатга, бозорни чуқур ўрганишга қаратилган эътибор боис ҳам харидорлар сафи кенгайиб бормоқда. Айниқса, корхонада тайёрланаётган тракторларга Туркия, Россия ҳамда Қозоғистон давлатларида талаб катта бўлмоқда. Шу боис ҳам 3 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги техникалар хорижага экспорт қилинди. Бундай натижага, албатта, маркетинг ишларининг яхши йўлга қўйилганини, жойларда дилерлик тармоқлари, савдо ўйлари ташкил этилгани туфайли эришилганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Ўтган йилда жамоа аҳли томонидан 2800 та турли русумдаги тракторлар ишлаб чиқарилиб, ушбу техникадан деҳқон ва фермер хўжаликларидида унумли фойдаланилмоқда. Шунингдек, 1,5 мингта тиркама, турли эҳтиёт қисмлар, халқ истеъмоли моллари ҳам ишлаб чиқарилибди.

Жорий йилда ҳам тракторсозлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот экспортини янада кўпайтиришни мўлжаллашмоқда.

КАФОЛАТЛИ ҲИСОБЛАГИЧЛАР

Бebaҳо неъматларимиз — суь, газ, электр энергиясидан оқилона фойдаланишда, исофгарчилигининг олдини олишда ўлчов ускуналарининг ўрни салмоқли бўлмоқда.

Айниқса, ана шундай ўлчлагичларнинг ўзимизда тайёрланаётгани ва хонадонларга ўрнатилаётгани тежамкорликка гаровдир. «Сувжихозгаз» Ўзбекистон— Хитой қўшма корхонаси тадбиркорларнинг ҳам бу борда салмоқли ҳиссалари бор. 100 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган ушбу жамоада жорий йилда 400 минг дондан зиёд ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш режаланган.

Ҳозирда ишончли ва кафолатли ҳисоблагичларнинг 20 дан ортик турлари ишлаб чиқарилиб буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Ўлчов асбобларининг кўпгина бутловчи қисмлари эса ўзимизда маҳаллий хом ашёдан тайёрланмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сиёсий партиялар — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Фидокорлар миллий-демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси фракцияларининг Парламент Қонунчилик палатасида «Демократик блок»ка бирлашиши тўғрисидаги битим имзоланди.

Олий Мажлисида

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Янги блокнинг асосий мақсади кўпчилик овозга эга бўлган ҳолда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат ва жамият ҳаётини янгилаш, ижтимоий ва иқтисодий вазоҳотларни чуқурлаштириш ислоҳларини ҳамда мамлакатимизни модернизация қилиш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, эркин иқтисодиётни яратишга қаратилган дастурларни рўйбга чиқариш учун зарур қонунларнинг тайёрлигини ва қабул қилинишини таъминлаш йўлида савий-ҳаракатларни бирлаштиришдир. Блок фаолиятининг асосий йўналишлари миллий манфаатларимизга мос, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий ва ташқи сиёсат соҳаларидаги вазифаларнинг ҳал этилишини назарда тутувчи қонунчилик фаолияти дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат бўлади.

Маъзур битимда кўзда тутилган масалалар буйича келишил-

ган нуктаи назарни олдиндан муҳокама қилиш ва ишлаб чиқиш блокка кирувчи фракциялар ҳамкорлиги шаклидан биридир. Блокда қарорлар қонсуус йўли билан қабул қилинади ва баённомада расмийлаштирилади. Блокнинг ҳамма иштирокчилари қонуннинг партия, гуруҳ, шахс манфаатларидан ва сиёсий мақсадга мувофиқлик нуктаи назарларидан устуворлигини эътироф этади. Блок иштини ташкил этиш ва қабул қилинган қарорларни бажариш учун тенг вақиллик асосида раҳбарлик кенгаши шакллантирилади ва у ҳамраислар — блокни ташкил этувчи фракциялар раҳбарларидан ташкил топади.

Блок фаолияти фракция аъзоларининг умумий мажлисида қабул қилинадиган регламент асосида амалга оширилади. Блок мажлислари қабул қилинган иш режаларига мувофиқ, зарурат туғилганда ҳамда бирор фракциянинг ташаббусига кўра ўтказилади. Блокка

бирлашган барча сиёсий партиялар фракциялари ўз дастурий йўналишларига мувофиқ фаолиятини эркин юритиш ҳуқуқига эга. Блок Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳлари билан ҳамкорлик учун очқидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида демократик блок тўғрисидаги мамлакатимиз олий қонунчилик органидаги фракцияларaro рақобатнинг яна бир мисолдир.

Шундай қилиб, имзоланган битим парламент фаолияти шаклидан бирини белгилаб берди, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ишида ўзаро чекловлар ва мувозанатни сақлаш механизмининг шакллантириш учун амалий шарт-шароитларни таъминлади.

Битим имзолангандан сўнг мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди. (ЎЗА)

ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумий мақсади дастури тўғрисида»ги Фармонида мактабларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, уларни ўқув қўлланмалари, лаборатория асбоблари, компьютер техникаси билан таъминлаш, таълим тизимида амал қилинаётган ўқув стандартлари ва дастурларини тақомиллаштириш, умумтаълим мактабларини малакали педагогик кадрлар билан мустаҳкамлаш ҳамда спорт базасини ривожлантириш каби асосий йўналишлар кўзда тутилган.

Ўқув жараёни, ўқувчиларнинг билим даражаси, уларнинг республика ўқув олимпиадалари ва танловларида иштирок этиш хусусияти, ўқитувчилар малака-

сини ошириш, компьютер техникасидан фойдалана билиш ва умумтаълим жараёнининг бошқа жиҳатлари ушбу дастур талабларига мувофиқ ҳолга

келтирилиши лозим. Бу билан боғлиқ масалалар эса «2004 йилнинг энг яхши мактаби» республика кўрик-танлови давомида аниқлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида мамлакатимизнинг энг яхши мактабларининг ўзига хос беллашувига қизгин тайёргарлик кўрилувчида. Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 мактаб иштирок этади.

Кўрик-танловнинг якуний босқичи 18 февралда пойтахтнинг Чилонзор туманидаги 162-мактабда бўлиб ўтади.

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Муновлар

БИРНИКИ МИНГГА...

Ўзимизнинг лоқайдлигимиз, бепарволигимиз тез-тез панд бериб қолади. Ана шунда афсус қиламиз, яна ёдимиздан кўтарилиб кетади. Баъзида коммунал тўловлар борасида ҳам ана шундай ҳолатларга дуч келамиз.

Бахтиёр Ҳошимов 116 минг сўм, Олимов 3-тор кўчаси, 1-ўйдан Жўра Ҳасанов 105 минг сўм, Астрономическая кўчаси, 33-ўйдан Ҳожи Қодирова 84 минг сўм, Минггўрик кўчаси, 16-б-ўйдан Ербод Саутов 74 минг сўм қарздор.

Ақмал Икромов туманидаги айрим истеъмолчилар ҳам бу борда улардан қолишмайди. Алиқушчи 1-тор кўчаси, 9-ўйдан М.Ғофурова 133691 сўм, 2-Махмадуст кўчаси, 26-ўйдан Р.Ҳақимова 128800 сўм, 1-Хўжаев кўчаси, 8-ўйдан Б.Қодиров 90877 сўм, А.Тожиёв кўчаси, 142-ўйдан Б.Жалилов 82353 сўм, Уйғур кўчаси, 568-ўйдан Т.Эштов 80509 сўм қарзларини тўлашмаган. Собир Раҳимов тумани Чайка кўчаси, 21-ўйдан Рустам Аҳмадзаров 123347 сўм, 1-Спутник кўчаси, 16-ўйдан Махмуд Саидов 120 минг сўм, М.Саъдиев кўчаси, 19-ўйдан Шўхрат Воҳидов 85770 сўм, Сағбон тор кўча, 285-ўйдан Тожибой Раҳматов 70432 сўм ҳақидан қарзлари бор.

Ўзлари қарзларини тўлашни ўйламаётган, уни бажаришни талаб қилиб борган газ идораси ходимларини ёлгон ваъда-

лари билан «сыйлаётган» ёки умуман эшикларини очмаётган истеъмолчилар Яққасарой туманида ҳам анчагина. К.Бешиёғоч кўчаси, 85-ўйдан Зўҳра Асқарова 113811 сўм, Б.Бобоев кўчаси, 76-ўйдан Ғайрат Отамухамедов 110 минг сўм, Асқарова кўчаси, 57-ўйдан Мели Ҳамдамов 105782 сўм, Бобур кўчаси, 28-ўйдан Людмила Шестернина 92594 сўм, Чилонзор тумани Гулистон 2-тор кўчаси, 51-ўйдан Равшан Усмонов 157049 сўм, Хосият 3-тор кўчаси, 11-ўйдан Шўхрат Камолнов, Хосият 2-тор кўчаси, 13-ўйдан Шохид Сиддиқов, Машраб 1-тор кўча, 37-ўйдан Саиджўё Ҳакимовларнинг ҳар бири 55 минг сўмдан 60 минг сўмга ҳам ҳақини тўлашмаган.

Миробод туманида Геннадий Игнашев (Оқйўл кўча, 61 «а»-уй, Илҳом Собиров (Оқ йўл кўча, 91-уй), Игорь Ким (Одоблик 2-тор кўча, 21-уй), Лариса Осипенко (Мичурин кўчаси, 34-уй), Максим Заров (Пирмухамедов кўчаси, 105-уй)ларнинг қарзлари ҳам 35-50 минг сўмини ташкил этишига қарамай, тўловни бажаришга ошиқаётгани йўқ.

Мирзо Улугбек тумани У.Ғулумов кўчаси, 13-ўйда яшовчи Файзуллаевнинг қарзи 150 минг сўмга етган бўлса, шу кўчанинг 30/5, 30/16, 31/26, 32/29-уйларида истиқомат қилаётган Ю.Григорьев, Т.Холмуродов, Ф.Сапаров, С.Рисбоевларнинг ҳар бири 35-44 минг сўмдан қарздор.

«Тумангаз»лар ходимларининг таъкидлашларича, бу қарздорлик қўлгина истеъмолчиларини бепарволик ва лоқайдликларини эвазига ортиб бормоқда. Агарда улар ойма-ой газ ҳисоблагич қўрсатган рақам буйича тўловларини амалга оширишса, оила бюджетига ҳам зарар бўлмайди, хизмат кўрсатувчилар ҳам ишларини намунали ташкил этишади. Албатта, бир неча бор оғхонлантирилган таъсир этмагач, улардан тўловлар сўрд оқдари ундирилиши мумкин. Лекин ишнинг шундай даражага етказиш шартми? Ахир хизмати ёқиб, пули қақиши ўринлими?

(Ўз мухбиримиз)

Мағнавий

САНА
МУНОСИБ
НИШОНЛАНАДИ

Ўзбекистон Давлат бола-лар кутубхонаси ўзининг 40 йиллик санасини нишонламоқда. Ўтган шу давр зиё маскани учун ҳар томонлама тараққиёт йиллари бўлди.

Кутубхонада ёш китобхонлар билан олиб борилаётган ишлар эса маънавий аҳамият касб этиб, болаларда китобга бўлган қизиқиш оширилмоқда. Бу ерда ташкил этилган "Китобхон ва ахборот" куни ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Бу тadbир чоғида зиё маскани китоб фонднинг аҳамияти, олинаётган янги адабиётлар ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

"Ёшлар ва китобхонлик" деган мавзуда очилган кўргазмадан ўзбек ва рус тилларидаги янги нашрлар ўрин олди. Қирқ йиллик сана муносабати билан "Катталар ва ёшлар китобхонлиги" мавзуда савол-жавоб кечаси ҳам уюштирилди.

ХАЛҚАРО
АНЖУМАН

Кутубхоначилик ишида янги ахборот технологияларининг ўрни каттадир. Тошкент Давлат авиация институтида ўтказилган конференция айнан шу масалага бағишланди.

Бу анжуманда чет эл кутубхоналари иш тажрибалари ҳам оммалаштирилди. Россия, Швейцария, Янги Зеландияда бу борада амалга оширилаётган савоҳаракатлар кўпчилик эътиборини тортиди.

Германия кутубхоналарида электрон ахборот ресурсларининг амалий аҳамияти ҳақида ҳам сўз борди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фаолияти ҳам анжуман иштирокчиларида қизиқиш уйғотди.

ЭЛЕКТРОН
ЎҚУВ
АДАБИЁТИ

Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкентдаги шохчаси ўзининг ўн йиллик санасини нишонлаш тарадудини кўрмоқда. Шу муносабат билан унинг кутубхонасига кўнлаб китоблар олиб келинди.

Ҳозир зиё масканида 15 минг нусхадан ортқ адабиётлар бор. Электрон кутубхона адабиётлар жамғармаси ҳам янги нашрлар билан бойиди. Бу эса талабаларга кўнлаб чет эл ўқув адабиётлари билан танишиш имконини берди.

Бу ерда ноёб нашрлар бўлимини бойитиш тadbирлари ҳам кўрилди.

Акбар АЛИЕВ

Фармон ва ижро

БАРЧА БИРДАЙ КЎМАҚДОШ

Киши баъзан билиб-билмай хатога йўл қўяди. Афсус, надоматлар чекади. Лекин қонун барчага баробар, жиноят жазосиз қолмайди. Жамиятимизда бундай инсонлар оз бўлсада учраб туради. Уларнинг аксарияти ўз айбини тузатиш, жазони ўташ жойларидан қайтиб, жамиятда ўз ўрнини топиш умидида бўлади. Уларнинг юқоридаги мақсадларга эришишлари учун имконни Юрбошимиз томонидан 2004 йили имзоланган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 12 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони берди.

Мазкур Фармонга асосан кўп кишилар жазони ўташ жойларидан муддатидан олдин қайтиб оилалари бағрини тўлдирдилар. Уларнинг ижтимоий ҳаётга тўла мослашиб олишлари учун мутасадди ташкилотлар зиммасига муҳим вазифалар юклатилди. Чилонзор тумани Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг раиси Маҳмаджон Дўсматовнинг маълум қилишича, Юрбошимизнинг бағрикенглик, кечиримлилик билан эълон қилган амнистия тўғрисидаги Фармонлари муносабати билан туман бўйича 47 нафар фуқаролар оиласи бағрига қайтган. Уларнинг ҳаётда ўзларини тутиб олишлари, ишга жойлашишлари, оиласини тиклашлари, турар жой, паспорт каби қатор муаммоларини ижобий ҳал қилишлари учун туман ички ишлар бошқармаси, прокуратура,

худудий тиббиёт, меҳнат бўлими ҳамда маҳалла оқсоқоллари ҳамкорлигида йиғилиш ўтказилиб вазифалар белгилаб олинган.

Бугунга келиб 47 нафар фуқародан 28 нафари ишга жойлаштирилди, бир нафари ўқишга юборилди. Ногиронларнинг ҳужжатлари тикланиб, касаллар даволаш муассасаларига жойлаштирилди. Айниқса маҳаллаларда бу борада ибратли юмушлар амалга оширилмоқда. Адашганларга йўл кўрсатиш, кечиримли бўлиш халқимизга хос фазилатлардан биридир. Биз соғлом турмуш тарзига қайтиб ҳаётини изга солишга аҳд қилган бир гуруҳ фуқаролар билан сўхбатлашдик.

Лутфия БАГАУТДЕНОВА:

— Билиб-билмай ҳаётимда жуда катта хатога йўл қўйдим. Озодликнинг қадри

нақадар баланд эканини жуда кеч тушундим. Оиланг, бола-чақаларинг бағрида тинчгина яшашнинг ўрни бошқача экан. Ножўя йўлларда юриб соғлигимни йўқотдим. Мен яхши одамларга раҳмат демокчиман. Юрбошимизнинг бағрикенглик билан эълон қилган умумий авфлари тўғрисида оиламга қайтдим. Соғлигимни тиклаш учун касалхонага жойлаштиришди. Мен келгусида ҳалол меҳнат билан шуғулланиб, хатоларимни такрорламасликка аҳд қилдим.

Юрий ЗИМАКОВ:

— Амнистия тўғрисида озодликка чиқдим. Қилган ноҳўя ишларимдан пушаймонман. Туман ижтимоий мослашиш маркази томонидан ишга ва ётоқхонага жойлашдим. Келгусида жамиятга фойдаси тегадиган инсонлар қаторидан ўрин олмақчиман.

Константин ЧЕРНИШЕВ:

— Қўлимда гўлдай хунарим бор эди. Фафлатда қолиб жиноятга қўл урдим. Шунга яраша жазоимни олдим. Давлатимиз ва Президентимизнинг кечиримлиги боис вақтидан илгари озодликка чиқдим. Энди ҳалол меҳнат қилиб айбимни ювмоқчиман. Ҳаётда яна қайта ўз ўрнимни топиш, ҳужжатларимни тўғрилаш, ётоқхонага жойлашишимда қатор ташкилотлар билан биргаликда туман ижтимоий мослашиш маркази катта ёрдам кўрсатди. Раҳмат, сизга яхшилар!

Шоира МУХАМЕДОВА



Қишларда шивирлар баҳор...

Наталья Семёнова олган сурат.

СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИ РЭНКИНГИ

"Ахбор рейтинг" рейтинг компанияси 2004 йил натижаларига кўра Республика суғурта ташкилотларининг рэнкингини эълон қилди.

Унга кўра, ўтган йил мобайнида республика суғурта ташкилотларида капиталлаштиришнинг ўсиши кузатилган. 2003-2004 йиллар натижалари бўйича ўтказилган рэнкигда иштирок этган суғурта ташкилотларининг умумий устав капитали 13,2 фоизга ошган.

"Ishonch" суғурта ташкилоти устав капиталини 2,5 мартадан кўпроққа, "Кафолат" Давлат агросуғурта компанияси (ДАСК) 44,2 фоизга ва "Мадад" эса 40 фоизга оширди. Бу эса "Ishonch" суғурта ташкилотининг иккинчи гуруҳдан биринчи гуруҳга яъни устав капитали 500 миллион сўм ва ундан ортқ бўлган суғурта ташкилотлари қаторига ўтиш имконини берди. Албатта суғурта ташкилотларининг устав

капитали ҳажмининг ўсиши уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлайди.

"Суғурта мажбуриятларининг ҳажми" кўрсаткичи бўйича Республиканинги йирк суғурта ташкилотлари етакчилик қилишмоқда. Бу кўрсаткич бўйича "Transinsuranc", "Temir o'llari sugurta" суғурта агентлиги(СА) ва "Unipolis" суғурта компанияси(СК)сида ўсиш суръати кузатилган.

"Кайта суғурталашга қабул қилинган суғурта мажбуриятларининг ҳажми" кўрсаткичининг ўсиш суръати бўйича "Transinsuranc", "Temir o'llari sugurta" СА "Ozagosugurta" ДАСК лар биринчи ўринни эгаллади. Ушбу кўрсаткичдаги ўсиш суръати барча суғурта ташкилотларида икки баро-

барга ошган.

"Temir o'llari sugurta" СА, "Ishonch" СК ва "Alskom" очқ акциядорлик жамияти ташкилотлари ўтган йилда муваффақиятли фаолият юритишган. "Йиғилган суғурта мукофотларининг ҳажми" кўрсаткичида ўсиш суръати сезиларли даражада ошган. Ушбу суғурта ташкилотлари 2004 йилда "Амалга оширилган суғурта тўловлари" кўрсаткичи бўйича етакчи ўринни эгаллашди.

"Ozagosugurta" ДАСК ва "Ozbekinvest" экспорт-импорт суғурта компанияси(ЭИСК) амалга оширган тўловлар эвазига рэнкигда иштирок этувчи суғурта ташкилотларининг умумий тўловлар ҳажми 22 фоизга ошди.

Алоуддин ҒАФФОРОВ,
"Туркистон-пресс"

САЙЁҲЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ

Тель-Авивда аънавий халқаро туристик ярмарка ниҳоясига етди. Унда 22 мамлакатнинг 160 дан ортқ компания ва фирмалари қаторида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясининг Исроилдаги ваколатхонаси ҳамда "Сайрам туризм" компанияси вакиллари ҳам муносиб иштирок этди.

Ўзбекистон вакиллари учун ярмарка учрашувлар ва музокараларга бой бўлди, турли давлатларнинг туроператорлари ва авиаташувчилари билан янги алоқалар ўрнатилди. Исроил, Болгария ва Кипрнинг "Alamo", "Euromart Ltd", "Gama Turs", "Masa Acher", "Bulgarian Tourist Authority", "Granat", "Atrion Travel" ва "Pafos Tourist" каби туристик компаниялари вакиллари, айниқса, мамлакатимизга катта қизиқиш билдиришди.

Халқаро туристик ярмарка ташкилотчиларидан бири Орли Спагнул "Жахон" АА мухбирига

берган интервьюда шундай деди:

— Ярмарканинги Ўзбекистон Республикаси бўлими билан танишар эканман, мамлакатингизга бўлган қизиқишини яна бир бор ҳис қилдим. Ўзбекистон ўзининг бой маданий мероси, тарихий қадимжолари, халқининг меҳмондўстлиги билан доғ тарагган. Умид қиламанки, сайёҳларнинг мамлакатингизга қилаётган саёхатлари йилдан-йилга кўпайиб бораверяди.

Баҳром ШАРИПОВ,
"Жахон" АА,
Тель-Авив.

Санъат

ИЖОДИЙ РЕЖАЛАР

Санъат мисоли бир оҳанграбо. У кишини доимо эзгулик сари етаклайди. Гўзалликка шайдо, яхшиликка ошно қилади. Одамлар санъат тўғрисида мириқиб дам оладилар, гаму гуссаларини унутадилар, ёруғ ўй-хаёлларга бериладилар. Асосийси эса кўнгилар ором олиб, ҳаловат топади.

Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театри 2005 йилни ҳам бир қанча ижодий режалар билан бошлаб, ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Яқинда театрнинг балет труппаси ва Ўзбекистон халқ артисти Иброҳим Юсупов сафарда бўлиб қайтдилар. Улар Хитойнинг Ха-Фей, Худжоу ва Шанхай шаҳарларида ҳамкорликда концерт дастурларини, ўз санъатларини Хитой халқига намойиш қилдилар. Икки халқ ўртасидаги дўстлик алоқалари янада мустаҳкамланди. Ҳайлаймики бу ўзаро алоқалар, бундан кейин ҳам ривожланиб бораверяди.

Бундан ташқари мазкур театр яқин кунларда «Севги шароби» спектаклини муҳлислари эътиборига ҳавола этади. Унда бош ролларни Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Муяссар Раззоқова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Шуккур Ғафуров, Ренат Гитеев ижро этади. Муסיқа раҳбари Ўзбекистон халқ артисти Дилбар Фуломова, режиссёр Ўзбекистон ва Озарбойжон халқ артисти, профессор Фирудин Сафаров.

«Севги шароби» спектакли Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театри ва Италия элчихонаси ҳамкорлигида сахналаштирилмоқда.

Мазкур спектакль томошабинлар қалбига ўчмас из қолдиришга ишонамиз.

Гулҷехра САТТОР қизи

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ҲАҚИМЛАРНИНГ
ДОМО БУЛАДИ...

• Ҳақимларнинг айтишича, шижоат, саховат ва хушфеллик энг аъло фазилатлар бўлиб, бу сифатларга эга бўлган кишилар доимо улуғлик сармосидан баҳрамандлик топганлар. Мазкур сифатлар ичида хушхулқлик алоҳида диққатга сазовордир. Негаки, шижоатга аҳён-аҳёнда иш тушади. Саховат олий фазилат бўлса-да, у барчага муяссар бўлавермайди, унинг уддасидан чиқиш учун кишига ҳар хил шарт-шароитлар керак. Аммо хушхулқлик шундай нарсаки, унга барча одам ета олади. Ёқимли хулқ эгасидан бошқаларни хурсанд қилишдан ташқари ўзи ҳам доимо хурсанд юради, бошқалардан эса ўзига муҳаббат ва мулойимлик қайтади. Қитъа:

**Абадий саодатнинг
калити хушфелликдир,
Аммо унга баъзилар
муяссар эрмас!**

• ҲИКОЯТ. Нўмон ибн Мунзир араб халифаларидан эди. Бир куни чарчаб, ариқ лабига келиб ўтирди. Шу пайт унинг лақмағўй ходимларидан бири:

— Агар бир кишини шу ариқ лабига келтириб сўйилса қони қайси томонга қараб оқаркин? — деб қолди.

Нўмон:

— Буни сенда синаб кўриш керак! — деди-да, уни шу ариқ лабига сўйишга буюрди.

Ўз мақомида ва жойида айтилмаган сўз одамнинг ўзига душман бўлади.

**Бошида ақли кам
бўлса кишининг,
Тилида сўзи кўп
бўлади, дилдор!**

• Бир кишининг уйига бир неча меҳмон келган эди. Мезбон уларни яхшилаб меҳмон қилди. Овқат еб, чай ичиб бўлдилар. Улар яна узоқ ўтиришди ва туришни ҳали ҳаёлларига ҳам келтиришмасди. Уй эгасининг меҳмонларга рухсат бергиси келар, аммо бекорчи меҳмонлар ҳеч қўзғалишмасди. Мезбон: «Энди сизларга рухсат» дейишга ҳеч ботинолмасди. Улар тушунармикан деб, либосини ечиб, оёқларини узатиб ўтирди. Меҳмонлар шунда ҳам кетиш ҳақида оғиз очишмади. Шунда у уй эшигини очди, ичкари ҳовлига қараб, ўз хотини билан гаплашаётган киши бўлиб:

«Ҳозир, ҳозир туришяпти!» деди.

• Бир ёш бола катталар билан меҳмонда бир товоқдан овқат ер эди. Овқат иссиқ бўлиб, боланинг қўли куйиб ея олмади. Сўнг йиғлашга түшди:

— Негга йиғлаясан? — сўрашди ундан.

— Овқат иссиқ экан ея олмаяман, — деди бола.

— Бўлмаса бир оз сабр қил, совийди! — дейишди унга.

— Сабр қилишга-ку, қиламан, аммо сизлар тўхтаб турмайсизларда! — деди бола.

Саломатлик Аллоҳим берган,
Олий неъмат, у бебаҳодир.
Энг бахтлидир саломат юрган,
Тани соғлар ҳар ишга қодир.

Чиниққанда кўпдир куч, шиддат,
Яқин келмас унга ҳеч бир дард.
Саломатлик олтиндан қиммат,
Буни билган киши эса мард.

Ҳаёт завқи ва лаззатиға
Эришади соғлом одамлар.
Улар ярар юрт хизматиға,
Манфаатли бўлади дамлар.

Сиҳат-саломатлик йили деб,
Ном берилди кутлуг йилимиз.
Жуда тўғри, бу иш бўлди хўп,
Бундан ғоят хурсанд кўнглимиз.

Яшнамоқда мустақил диёр,
Олға силжиш ҳар бир соҳада.

Юртбошимиз
чиндан фидокор,
Қийинчилик
қолди орқада.

Ўзбекистон яна

ва яна,

Гўзал, обод бўлиши учун,
Раҳбаримиз ишлар мардона,
Элга сарфлар қудратин, кучин.

Соғ одамнинг сафи кўпайса,
Оғир иш ҳам тез, битар осон.
Юксалишлар кенг қанот ёйса,
Бундан-да яхши бўлади замон.

Минг афсуски, соғлиққа душман,
Энг ярамас иллат анча бор.
Унга дучор бўлар пушаймон,
Охир бориб бўлади афгор.

Ишга меҳр қўймаганларнинг
Бири икки бўлмас ҳеч қачон.
Бирон касбни севмаганларни
Ҳеч ким ҳурмат қилмас ҳеч қачон.

Тунда ҳамда кундуз ётишдан
Умр исроф бўлади аниқ.
У кутулмас ғамга ботишдан,
Бахт чироғи ҳеч бўлмас ёниқ.

Кишиларни омадсиз қилар
Танбалликнинг жирканч пешаси.
Пешонасин шайтонлар силар,
Зарба берар хорлик тешаси.

Орзуларнинг биргинасига
Етолмайди бекор ётганлар.
Тўсиқларнинг кичинасидан
Ўтолмайди бекор ётганлар.

Ҳаммасидан энг ёмони шу —
Чиниқмаган тан бўлар нимжон.
Касалиққа тез чалинар у,
Барбод бўлар унда хонумон.

Ҳаддан зиёд овқат еганлар
Оз ейишдан махрум бўлади.
Доим соғлом бўлай деганлар
Қоидага амал қилади.

Ичкиликка берилиш эса,
Фақат-фақат келтирар қайғу.
Бахтдан узоқ ким кўплаб ичса,
Арақхўрнинг йўли қоронғу.

Ичкиликнинг орқаси сароб,
Ичган ризки қадаҳга чўқар.
Ичган киши бир умр хароб,
Энг ёмони обрўсин тўқар.

Бодабозлар меҳрдан махрум,
Уларга ҳеч меҳнат ёқмайди.
Оилада йўқолар унум,
Мастга омад қиё бокмайди.

Мастнинг усти вақтинча бутун,
Лекин унинг ичи тутундир.
Ундан соғлиқ узоқ туну қун,
Юрак-бағри ҳамма вақт хундир.

Нопокликдир сўнги бахтсизлик.
Ёмғирсиздир ўткинчи булут,
Соғломликдан йироқ ҳақсизлик.

Ҳамма-ҳамма ёмонликларнинг
Энг ёмони гиёвандликдир.
Бордир зиён, зарари унинг,
Ундан хавфли дунёда йўқдир.

Мамлакатдан мамлакатларга
Уни ташир ҳайвонсифатлар.
Соғлиқмас пул керак уларга,
Бойликка ўч у касофатлар.

Унга қарши курашилмаса,
Томир отиб кетиши аниқ.
Унга йўқдир шафқат, мурося,
Ундан офат етиши аниқ.

Саломатлик кушандаси у,
Хароб қилар унинг жафоси.

Тугамайди у берган қайғу,
Гиёвандлик — аср вабоси.

«Сиҳат-саломатлик йили»га
Атаб чиқди

давлат дастури.

Ундаги гап ёқди кўнгилга,
Жуда тўғри сўзнинг ҳар бири.

Катта бойлик саломатлики
Ҳар ким ўзи сақласин деган.
Йўқотмасин инсонийлигини,
Ёмонликка бокмасин деган.

Тарк этилиб гафлат уйқуси,
Ишни севган омадли бўлур.
Соғлом турмуш тарзи мана шу,
Чиниққанлар қанотли бўлур.

Ғийбат, иғво тўқиб юрганлар
Ҳеч қилмасин шум одатини,
Бировларга озор берганлар
Ташласинлар касофатини.

Тушунтириш, энг тўғри гаплар —
Бари инсон фойдаси учун.
Бардам бўлар амал қилганлар,
Доим ризки бўлади бутун.

Фарзандлардир оила гули,
Улар умр давомчилари.
Тетик ўсса қизи ва ўғли,
Хурсанд ота, оналар бари.

Ўз вақтида тиббий ёрдамлар
Кўрсатилар ёшу каттага.
Бахт қушнини тутар одамлар
Йўл қўймаса улар хатога.

Бадантарбияю спорт ишлари
Ҳамма жойда авж олар яна.
Чиниқади ёшларнинг бари,
Чарчамайди пишган тана.

Пенсионеру, ногиронларга
Кучаяди яна эътибор.
Кўплаб моддий ёрдам уларга
Кўрсатилар тақвор ва тақвор.

Соғлиқ учун барча тadbирлар
Кутлуг йилда амалга ошар.
Коронғуни эгаллар нурлар,
Ҳар бир қалба севинчлар тошар.
Тўра ЖУМАН

СИҲАТ-САЛОМАТЛИК

(Достон қисқартириб босилмоқда)

Оч кишидан очкўзлик ёмон,
Қувалчанлар лойдан тўймайди.
Сўз кишида бўлмайди имон,
Жирканчлигин сира қўймайди.

Жуда қийин ҳасадчиларга,
Ўз кўнглини қилади вайрон.
Бегонадир шодлик уларга,
Соғлиғидан қолмайди нишон.

Одат бўлса кимгаки ғийбат,
Бўлаверса ғийбати тақвор,
Бу иш қамдай, у қилса тўхмат,
Болаларга бўлади дучор.

Бахил одам топган пулини
Ўзига сарф қилмас, у мурдор.
Ясантирмас қизу ўғлини,
Эски, арзон молга харидор.

Яхшилиқ истамас бахил,
Ёмонликка қарсак чалади.
Тузуқ емай, бўлиб қолар сил,
У ўзини ғамга солади.

Кимда кибр, гурур мухайё,
У ҳурматсиз, эътиборсиз, хор.
Ёлғончилар ҳеч қўрмас фойда,
Эл қўзини бўяр риёкор.

Тақаббурга салом берсанг сен,
Саломингга жавоб бермайди.
Нафратлайсан бу ҳолатдан сўнг,
У ўзини сира кўрмайди.

Нуқсонлари кўплиги учун,
Тақаббурда кўпаяр офат.
Ҳар вақт унда хатарлидир кун,
У ҳеч қачон бўлмас саломат.

Вазифадор бўлганда худбин,
Ҳаволаниб кетади дарҳол.
Ҳеч нарсамас олим у учун,
Қадрсиздир унга кекса чол.

Ёмонликлар — қовжираган ўт,

Анжуманлар

ЁШ ОЛИМЛАР —
ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Қуни кеча Ўзбекистон Миллий университетидида мазкур зиё маскани хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти, Собир Раҳимов туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликларида «Ёш олимларнинг фан-техника тараққиётида тутган ўрни» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманни университетнинг илмий ишлар бўйича ректор ўринбосари, профессор Х.Тўйчиев бошқариб, аёлларнинг илм соҳасидаги салоҳияти юқори эканлиги ҳақида гапириб ўтди.

Собир Раҳимов туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Мақалдам Расулова эса аёлларимизнинг жамиятимизда, илм-фанда фаоллиги-

ни ошириш борасида амалга ошириляётган ишлар, давлатни бошқаришда аёлларнинг роли муҳим омил эканлигини таъкиллаб ўтди.

Ўзбекистон Миллий университети хотин-қизлар қўмитаси раиси Лявличон Муҳаммаджонова ҳозирги кунда кўпгина зиёли аёлларнинг уй қомушлари билан ўралашиб қолаётганлигига эътиборни қаратиб, хо-

тин-қизларни фаолликка чақирди.

Шунингдек, конференцияда кимё факультети лаборатория мудири, профессор О.Тошмуҳамедова, аспирантура бўлими бошлиғи С.Икромовалар ҳам бу бордаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Баҳсу-мунозаларга бой анжуман йирилганларда илқ таассурот қолдирди. Зевара АҲМЕДОВА



Келажақда сиз суратда кўриб турган болақай футболчимиз юлдузи Миржалол Қосимовнинг чинакам издоши бўлса ажаб эмас.

Ойнинг тўққизинчи кунини эҳтиёткорлик, ҳушёрликни талаб қилади. Ҳар қандай янги ишларга қўл уришни кейинроққа қолдириг. Амалий ва дўстона учрашувларнинг ҳаммасини бошқа кунга кўчириг. Алдовлар, қуруқ ваздалар, вассасалар шу кунини кўп бўлишини назарда тутиг. Кўнгилсизликларга дуч келмай десангиз, ҳар қандай "маслаҳат"ларга қулоқ солманг.

Мунажжим башорати

ХАЁЛЛАРГА БЕРИЛМАНГ

17 февраль, пайшанба

Шу кунини қилиниши мумкин бўлган энг мақбул иш — уй-рўзгор ишлари билан, супуриш-сидириш, артиш-суртиш, саранжом-сарашталлик амаллари билан шуғулланишдан иборат бўлиши мумкин. Ахлатларни ноҳўя жойларга ташламанг,

табиатни, сувни ифлослантириш мумкин эмас.

Бугунги кун савдо-сотик, харид ишлари ҳам хайрли бўлмайди. Пулларингизни харж қилмай туриг, исрофгарчилик, ортиқча ҳашамларга йўл қўйманг.

— Болалар ҳам бугун инжиқ бўлишадди. Лекин уларга нисбатан меҳрибон ва саховатли бўлиш керак. Ўз эҳтиросларингизни идора этишга ҳаракат қилиг. Кўзуга узоқ қараб туришдан ўзингизни тийинг. Қоронгуликлардан ўзингизни тортиг.

Итнинг сизга қараб ҳуриши ёки мушқнинг у ер-бу ерингизни тирнаб олиши бўлажак ноҳушликлардан далолат. Қўш пати устингизга тушса — яхши хабар оласиз.

Тушларингиз бирмунча қўрқинчли, лекин пуч бўлади. Шунинг учун уларга қийдий эътибор бериб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Тушингизда учсангиз, осмон ва юлдузларни кўрсангиз, либос ёки пойабзал кийсангиз — яхшиликка ишора. Бугун гўшт, қўзикарин истеъмол қилишдан ўзингизни тортиг, ичкилик

ичманг. Кечқурун иссиқ-совуқ душ қабул қилиш фойдали.

Кийинишда қора рангли либослардан нарироқ бўлинг. Шуңингдек, ёрқин ранглардан ҳам бугун узоқроқ бўлганингиз маъқул. Айниқса, қизил ва оч яшил ранглар бугунги кунга мутлақо мос келмайди.

Пайшанба маслаҳатлари:

— фақат давом эттиришингизга талаб этадиган ишлар билан машғул бўлинг;
— сизни қизиқтирган масалалар бўйича кўпроқ ахборотлар олиш;
— хоналарда жиҳозлар, мебеллар ўрнини алмаштириш;
— қўқатлар экиш, саримсоқ ва пиёз уруғларини сепиш тавсия этилади.

Фақат бир муаммони ҳал этиш билан машғул бўлиш, обрўингизга зарар келтирувчи хатти-ҳаракатлардан тийилишингиз керак.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Бу — қизик
ҲАММАСИ ТАҲЛИЛГА БОҒЛИК

Америкаликлар бу аjoyиб аппаратни 1930 йили кашф қилишган. У жиноий ишларни текшириш жараёнида ишлатилади ва жиноятчиларни топишда ёрдам беради.

Жиноий ишда гумон қилинган одамни қоронғу хонага ёлғиз қамаб қўядилар. Бу ерда эса уни ҳаракатланувчи одам суяги кутиб турибди. Қўшни хонада ўтирган терговчи махсус аппарат орқали суякни ҳаракатга келтириб туради ва гапиртиради. Суяк "Сен мени нега ўлдирдинг, Майкл?" деб гумон қилинган одамга қўлни чўзади. Махсус товуш кучайтирувчи орқали унга сўроқлар беради. Даҳшат! Гумон қилинган одамнинг шу пайтда олган таъсири, ранги ўзгариши ҳамма-ҳаммаси суратга туширилади, жавоблар магнитофонга ёзилади. Ҳамма материаллар тажрибали технолога ўтказилади. Улар эса кимнинг айбдор, кимнинг гуноҳсиз эканлигини аниқлайди.

МУҲАББАТ ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

Ёшлариди катта тафовут бўлган эр-хотинлар ҳаёти кўпчиликни қизиқтириши аниқ. Бироқ, фикримизча, бунда ҳам мейёр бўлиши керак. Буни қарангки, Бразилияда 83 ёшли Хозе Ферейра билан 13 яшар Иоланта қонуний никоҳдан ўтишди. Бу никоҳ бразилияликлар учун мамлакатдаги муҳим воқеалардан бири бўлиб қайд этилди.

Хозе Ферейранинг 40 дан ортиқ неварою эвара, чеваралари бор. Ёш келинчак эса турмуш ўртоғидан фахрланади. Унинг ақли, камтарин, катта тажрибага эга эканлиги унга ёқди.

Ферейра жуда бадавлат, аммо Иолантанинг бойлиги ҳам уникдан қолишмайди. Демак, уларнинг ҳеч бири бойликни кўзлаб турмуш қурмаган. Янги келин-куёв бахтли ҳаёт кечираётганини кўриб ҳайрон қоласиз.

Муҳаббат ёш танламайди, деб шунга айтсалар керак!

Кидирбой ТҶАБООЕВ тайёрлади

Аjoyибойлар оламида

ЭНГ БАЛАНД УЧУВЧИ ОҚҚУШЛАР

1967 йил самолётни бошқарётган учувчилар эътиборини баланд учётган оққушлар тортди. Аниқ ҳисобларга қараганда, оққушлар парвоз қилаётган баландлик ердан 8230 метр. Уларнинг Буюк Британиядаги Гебрид оролидан учиб ўтаётганларида аниқ ўлчашга муваффақ бўлинган ва Гиннеснинг "Рекордлар китоби"га киритилган.

ТУЯҚУШНИНГ КЎЗИ

Қуруқликда яшовчи мавжудотлар орасида туяқушнинг кўзи энг катта 5 см бўлиб, 1999 йил Гиннеснинг "Рекордлар китоби"га киритилган.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!
Хурматли маҳаллий ва хорижлик ишбилармон, тадбиркорлар!
ТОШКЕНТ ШАҲАР ХУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ
ҳамда

Давлат мулки кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2004 йил 5 майдаги 209-сон қарори-га мувофиқ Давлат мулкни хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган куйидаги паст ликвидли объектни инвестиция мажбуриятлари эвазига инвесторларга бепул бериш бўйича танлов эълон қилади!

Танлов савдолари санаси: 2005 йил 18 ва 25 март, 1, 15 ва 29 апрель ҳамда 13 ва 27 май кунлари
Савдолар соат 11.00 да Давлат мулки кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси — Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-А уй манзилида бўлиб ўтади.

Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган давлат объекти тўғрисида МАЪЛУМОТ

№	Объект номи	Манзили	Танлов шартлари			
			Бепул бериш тартиби (мулкнинг сифатида тўлиқлигича ёки уларнинг ишлаб чиқариш бинолари ва эгаллаб турган ер майдонлари таркибини ўзгартиришнинг мақбул режаси асосида)	Фаолият тури бўйича (сақлаб қолиш ёки сақламастик)	*Минимал инвестиция мажбуриятлари миқдори (млн. сўм)	Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш муддати (йил)
1	2	3	4	5	6	7
1	Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлигига қарашли бўлган 9 қаватли 33-сон ётоқхона биноси	Сергели тумани, «Курувчи» даҳаси	мулкнинг мажмуа сифатида тўлиқлигича	Фаолият турини сақламаган ҳолда	300,0	2

Изоҳ: * — Ушбу инвестиция миқдори инвестор томонидан ўзининг тақлифидан келиб чиққан ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

Объект паспорти:

1	Объектнинг номи	Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлигига қарашли бўлган 9 қаватли 33-сон ётоқхона биноси
2	Юридик манзили	Тошкент шаҳри, Сергели тумани, «Курувчи» даҳаси
3	Соҳа	Ижтимоий
4	Ишчи ва хизматчилар сони	—
5	Ишга туширилган йил	1991
6	Баланс қиймати (минг сўм)	3 831,55
7	Эгаллаб турган майдони (тегишли ҳудуд билан)	558,0 кв.м
8	Бино ва иншоотларининг майдони	2653,0 кв.м
9	Эскириш	—
	Шу жумладан:	—
	— Бино ва иншоотлар	—
	— асбоб-ускуналар	—
10	Бинонинг техник характеристикаси	Бино қаровсиз аҳволда. Қўйилган эшик ва ромлари кўчириб кетилган. Капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмаган.
11	Фаолият тури	Уй-жой билан таъминлаш
12	Коммуникациялар тармоғи	— сув — иссиқлик — газ — электр
13	Аҳоли пунктдан узоқлиги	Аҳоли пунктида жойлашган

ТАНЛОВ САВДОСИДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ:

Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча талабгорлардан куйидаги ҳужжатларни тақдим этилиши талаб этилади:

1. Талабгорнинг тўлов қобилиятига эғалигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банкнинг кафолат хати).
2. Тақдим этилган молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик фирмасининг хулосаси.
3. Бизнес режа (тасдиқланган намунавий шаклда тайёрланган бўлиши шарт).

Ушбу ҳужжатлар ва инвестицион тақлифлар танлов савдоси кунидан **уч кун** аввал муҳрланган конвертда, белгиланган шаклдаги ариза билан биргаликда Давлат мулки кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига топширилиши лозим.

Танлов савдоларида барча нодавлат юридик ва жисмоний шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари (чет эл инвесторлари) қатнашишлари мумкин.

Танлов савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари бўйича батафсил маълумот олиш учун куйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин.

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-А уй.
Маълумот учун телефонлар: 133-39-57, 133-22-98.

Спорт

БОКСЧИЛАР КУЧ СИНАШДИ

Фарғона шахрида 1986-1988 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича республика биринчилиги беллашувлари бўлиб ўтди.

Ун иккита вазн тоифасида ўтказилган баҳсларда жами 200 га яқин ёш чарм кўлоқ усталари галаба учун кураш олиб боришди.

Республикамаизнинг деярли барча вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистонлик боксчилар штирокида ўтган турнирда хурмат шохуспасининг энг юқори поғонасидан «уйда деворлар ҳам ёрдам берди», деганларидек энг кўп фарғоналик спортчилар ўрин олишди — Элдор Турсунов, Баҳодир Мамажонов, Сардор Абдуллаевлар олтин нишонларни кўлга киритишди. Шунингдек, Тошкент, Андижон, Жиззах вилоятлари, Қорақалпоғистондан ҳам мамлакат чемпиони бўлди.

Ҳамшаҳарларимиз иштирокига тўхталадиган бўлса, Дилшод Бобожонов ва Мирқаром Мирқабаровлар Ўзбекистон биринчилигида пойтахт шарофтини муносиб ҳимоя қилган ҳолда олтин нишонларни кўлга киритишди.

ШАХРИМИЗ СПОРТЧИЛАРИ — БИРИНЧИ

Шахримиздаги МХСК клуби спорт залида эса қора белбоғ соҳиблари, яъни энг кучли спортчилар ўртасида таэквондонинг ВТФ йўналиши бўйича мамлакат чемпионати мусобақалари ўз пойнига етди.

Нуфузли турнирда республикамаизнинг кўпгина вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан юздан ортиқ спортчи ўзaro куч синашиб, чемпионларни аниқлашди. Шуни кўнуч билан таъкидлаш керакки, турнирда шахримиз яккакураш усталарига тенг келадиғанлар топилмади. Жумладан, ўғил болалар мусобақасида тошкентлик Евгений Ли, Павел Хан, Рашид Аҳмедов, Виталий Ан, Руслан Машарипов каби спортчилар галаба нашидасини сурган бўлса, қизлар ўртасида Саида Ҳазратова, Ирина Деркач, Венера Абдураззоқова, Сабина Громовалар Ўзбекистон чемпиони бўлишди.

Бундай юқори натижалар ҳамшаҳарларимизга умумжамоа ҳисобида ҳам биринчи ўринни эгаллашга имкон яратди. Кейинги ўринларни Самарқанд ва Фарғона вилоятлари жамоалари банд этишди.

(Ўз мухбиримиз)

Маданият ходимлари касабаси уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи Абдуҳамид Абдухалилович Юсуповга волидаи муҳтарамаси

КУТПИ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изхор этади.



Футбол

ГАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

Ҳар йили мавсум олдидан аънаанага айланиб бораётган Ўзбекистон футбол федерацияси Кубоги беллашувлари мамлакатимизнинг иқтидорли, ёш футболчилари учун ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда.

Кунни кеча Тошкент шаҳри ва вилояти стадионларида ушбу нуфузли мусобақага старт берилди. Ушбу турнирда 16 жамоа тўрт гуруҳда ўзарo баҳс олиб бормоқда. Дастлабки турда шахримиз шаҳрини ҳимоя қилаётган «Пахтакор-2» ва «Шайхонтоҳур» жамоалари беллашди. Ёш «пахтакор»чиларнинг тўлиқ устуни-

гида ўтган учрашувда йирик ҳисобдаги галаба қайд этилди. «Пахтакор-2» жамоаси футболчилари рақиблари дарвозасига еттига жавобсиз тўп йўллашга муваффақ бўлишди.

Қолган учрашувлар куйидаги натижалар билан яқунланди: «НБУ-Осиё» — «Шўртан» — 4:0, «Кимёгар» — «Кизил-

кум» — 2:3, «Бухоро» — «Локомотив -2» — 8:2, «Сирдарё» — «Трактор» — 1:3, «Булат» — «ОТМК» — 0:1, «Энергетик» — «Янгир» — 12:0, «Сўғдиёна» — «Тўпаланг» — 1:2, «Металлург» — «Булат» — 3:1.

Эслатиб ўтамиз, пойтахтимиз шарофтини ҳимоя қилаётган «Пахтакор-2», «НВ-Осиё», «Локомотив — 2» ҳамда «Трактор» жамоалари ушбу турнир голиблигига даъвогарлардан ҳисобланишди. Дастлабки беллашувни йирик ҳисобдаги галаба билан бошлаган «Пахтакор-2» жамоаси футболчилари **БУГУН** «Трактор» жамоасига қарши майдонга тушишди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Балки, муштарийларимиз Суворовнинг ҳеч қачон ўқ ўтмайдиган ёрдамчиси ҳақида эшитган ёки ўқиган бўлсалар керак. Суворов унинг мисолида мардларни ўқ четлаб ўтишини аскарларига кўп бора таъкидлайди. Тўғри, Суворов кучли руҳшунос ҳам бўлган, эҳтимол шу йўл билан аскарларни жангга руҳан тайёрлаган бўлиши ҳам мумкин. Лекин нима учундир унинг ўзи ҳам жанг майдонида яраланиб эмас, қариб, тинчгина тўшақда жон берган? Бундай ўқ ўтмас кишиларнинг сирини нимада?

Сирли ҳодисалар

ҚАЛҚОН ЎРНИГА ЁПИНЧИҚ

Бундай воқеаларни бошидан кечирган кишилар ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Хўш, ўлим кимларни четлаб ўтади. Бу ҳеч кимга маълум эмас. Кимдир урушнинг дастлабки дақиқаларидаёқ ҳалок бўлади, яна кимдир эса уруш яқунлангунга қадар тақдир изми билан тирик қолади. Тарих саҳифаларига мурожаат қиламиз. Қадимий жангномалар, жасур рицарлар ҳақида кўплаб афсоналар мавжуд. Улар ҳеч қачон душман ўқига учрамаганлар, яраланмаганлар. Шу боис бўлса керак «Ботирдан ўқ кўради» деган ибора келиб чиққандир? Лекин ўрта асрлар давридаги қуролдан отилган ўқ тегиши учун одам озақ вақт ўз жойидан қимирламаслиги керак бўлган. Аммо бу ерда қуролнинг нишонини аниқ уриши ҳақида гап бораётгани йўқ. Чунки у пайтларда мушкетёрлар бир сафга тизилишиб, душманга қарши ўқ узишар, саф тортиб олдинга интилаётган душманга ўқ тегиши аниқ эди. Ҳар сафар ўқ отилгандан сўнг кимлардир тирик қолаётгани офицерлар диққатини тортмай қолмасди. Ҳар бир полкда бирорта ўқ тегмас жангчи топиларди.

Бундай жангчилар ҳақидаги миш-мишлар нафақат Европада, балки Осиё, Африка ва Американинг қадимий қабилалари орасида ҳам тарқалган эди.

... XIX-асрнинг иккинчи ярми. Шимолий Америка штатларида оқ танлилар ва маҳаллий хиндулар билан жанглар авжига чиққан пал-

ла. Эндигина қўлга миллиқ тутишни ўрганган хиндулар оқ танлиларга қарши курашда енгилдилар. Лекин бизнинг эътиборимизни тортган нарса айнан хинду жангчилардир.

1865 йил. Паудер дарёси бўйидаги жанг. Бу жангда чейенни қабиласи сардорининг галати хатти-ҳаракатлари ҳақида хинду солномачиси шундай ёзади: «Жангда у оқ танлилар сафлари орасида отда юриб ўтарди. Унга барча жангчилар бараварига ўқ узишар, лекин унга бирорта ҳам ўқ тегмасди. Ўқлар унинг ёнидан учиб ўтарди. Унинг бошида муқаддас бош кийими бор эди...» Солномачи ундаги ўқ ўтмаслиқ сирини ёзишга уринадди. «У Танг дарёсига қуйилуви Гуз-Крик ирмоғида сирли кучга эга бўлди. Нарироқда муқаддас кўл бор эди. У эрта тонгда ҳодалардан сол эрта кўлга сузиб кетди... Уша тунда бўрон бошланди. Чақмоқ қақиб, момақалдиқок бутун атрофини ларзага келтирди. Биз унинг чўкиб кетишидан кўрқар эдик. У уч кун давомида кўлдаги сол устида қимирламай ётди. Тўртинчи кунни дахшатли бўрон озақ берди. Кучли дўл ёғиб, чайлаларимизни вайрон қилди. Ҳамма солдаги доҳимийс аллақачон ҳалок бўлган бўлса керак, деб ўйларди. Лекин сахарлаб унинг бирор ерига шикаст етмаган ҳолда сол устида ётганини кўрдик. Унга бирор томчи сув ҳам, бирорта дўл донаси ҳам тегмаган эди».

1876 йилнинг 25 июни. 7-кавалерия полкининг генерали Ж.Кастер қўли остида хиз-

мат қилган сиу қабиласи вақтинчи ўтган ёзади: «Биз билан жуда жасур чейен бор эди. Унинг бошида бургут патлари тақилган бош кийим, эғида қандайдир ҳайвон терисидан тайёрланган ёпинчиқ ёпишиб юрарди. Бу ёпинчиғи тасма ёрдамиде елкасига боғланган эди. У яқка ўзи тепаликка қараб йўл олди, биз эса уни кузатиб турардик. Унинг рўпарасида аскарлар тизилиши ва унга қараб тўтовсиз равишда ўқ уза бошлашди. Чейен уларга жуда яқинлашди ва ортига қайтиб бизга қичқирди. Биз ундан «нима бўлди?» деб сўрадик. У яқинлашиб келиб, устидаги тасмани ечди. Унинг кийимидан кўплаб ўқлар ерга тўқилди. Бу жангнинг муқаддас куч асради, чунки унга отилган ўқдан ҳар қандай тирик жонотнинг омон қолиши дарғумон эди...»

Роппа-роса беш ойдан сўнг, 1876 йилнинг 25 ноябрда чейенлар қабиласи муштамақчиларнинг ҳужумлари оқибатида ўз турар-жойларини зудлик билан тарк этишди. Бутун кун давомида кавалериячилар хиндуларга умуман зарар келтирмаган тарзда ўқ узишди. Улар отган ўқлар хиндуларга тегмас ёки тегса ҳам уларга зиёти келтирмасди. Хиндулар қоялар ортига беркиниб олишди. Шу пайт кекса бир хинду тош устига чиқиб, тамаки чека бошлади. Хиндуларни яқсон қилишдан умидини узган аскарлар бирварақайига тайёр «нишон»га ўқ ота бошлашди. Аммо хинду пинагини ҳам бузмай ўтирарди.

АФАНДИ ЛАТИФАЛАРИ

Бир куни кечки пайт Афанди катта ва кичик хотинлар билан гаплашиб ўтирганда, кичик хотини эркаланиб:

— Дадаси, сиз кундош опамни яхши кўрасизми, ёки меними? — деб сўради. Иккала хотин бир ерда бўлгани учун, Афанди узиликесил бир нарса деёлмай:

— Икковингизни бирдай яхши кўраман, — деб жавоб берилди. Кенжа хотини бу жавобга қаноатланмай, гап кавлаб яна сўради:

— Шундай бўлса ҳам барибир икковимиздан биримиз кўнглингизга қайнроқ бўлишимиз мумкин?

Афанди яна гапни буриб:

— Ҳар бир гулнинг ўзига хос хиди бўлади. Мен учун ҳар икковингиз ҳам икки хил гулсизлар, — дебди.

Кенжа хотин эридан кўнглидагидай жавобни ололмагандан кейин бошқа бир усулни кўллади:

— Вой дадаси, — дебди у, — агарда сиз, кундош опам ва мен учқовимиз қайиққа ўтириб дарёдан ўтаётган чоғимизда, қайиқ тўнкарилиб кетса, биринчи бўлиб опамни қутқараримизми ёки меними?

Афанди бироз жим тургандан кейин, аста катта хотинига қараб:

— Хотин, сен сузишни биласанку-а? — дебди.

Афанди ўғли билан тўйдан қайтиб келаятган бир одам дўкон эшигидаги қулфни эғов билан эғовлаб кесаётган эмиш. Буни кўрган ўғли Афандидан сўради:

— У одам нима қилипти?

— Жим юр, ўғлим. У одам гижжак чалаяпти, — дебди Афанди.

Гижжак чалса овози чиқмаяптику? — деб яна сўради ўғли.

— Астағуфрулло, — деб гўдрдан Афанди, — бу гижжакнинг овози эртага чиқади, чиққанда ҳам жуда жарангли бўлиб чиқади.

— Афанди йўлда шошилиб кетаётса, бир эзма ундан:

— Афандим, ўлик қандай бўлади? — деб сўради.

— Ўлик жонсиз бўлади, — дебди Афанди. — Яна қандай бўлади?

— Юзи жонсиз бўлади.

— Ўзи жонсиз, юзи жонсиз бўлса қандай бўлади?

— Ҳой, мен жуда шошилиб турибман. Ҳозир олдимида ўлик йўқ. Аниқ бир нарса айтмайман. Энди тирик қандай бўлади десанг, тирик рўдапо худди сендек бўлади, биродар, — дебди Афанди.

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН тайёрлаган.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босяи табоқ, офсет усулида бошлан. 2812 нускада босяи. Қаноз бирини А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сенимба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрин етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босяи. Корхона манзили: «Булок Турон» кўчаси, 41-уй.